

## **МУЛОҚОТДА ОДОБ-АХЛОҚ, ХУРМАТ-ЭХТИРОМ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ**

### **АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Йўлдашева Нодирахон Алишер қизи

Талабаси, АДЧТИ инглиз тили филологияси ва тиллар

ўқитиши методикаси факультети З-босқич

**Калит сўзлар:** мулоқот, этикет, нутқ, ижтимоий, маданиятларо, лингвомаданият:

**Ключевое слово:** общение, этикет, discourse, social, intercultural, linguistic and cultural, лингвокультурный:

**Keyword:** communication, etiquette, discourse, social, intercultural, linguistic and cultural: Сўнгги йиллардаги тадқиқотларда ўрганилаётган лисоний ва ва нутқий муаммолар орасида шахслараро мулоқот (муомаласи), Interaktion юзма-юз ва маданиятлараро мулоқот (Interkulturelle Kommunikation) катта ўрин тутмоқда.

Бунинг муҳим жиҳати уларни мулоқотнинг этноспецифик ва бирлаштирувчи хусусиятларини топишдан иборат. Инсоннинг нутқий хулқ-авторини бошқариб турувчи омиллардан бўлган ва замонавий тилшуносликда этикет атамаси билан белгиланган лисоний ва ғайрилисоний воситалар хар қандай маданиятнинг муҳим таркибий қисмидир. Хорижий лингвомаданиятида этикет феодал задагонлар маданиятининг маҳсали сифатида шаклланган. Мазкур лингвомаданий ҳодисани жиддий тадқиқ килган. Н.И. Формановская берган таърифни қабул қилиб ушбу мақолада этикетни нутқий фаолиятини бошқариб турувчи қоидаларини тизими деб таърифланди. Бу тизим барқарорлашган турғун мулоқот формулалари (иборалари: Ассалому, хайр)дан таркиб топади ва у (одатда лисоний жамият томонидан сұхбатдош) алоқасини йўлга қўйиш ва зарур пайтда бу алоқани қўллаб - қуватлаш ёки ўрни билан зарур паллада узиб қўйиш мақсадида қўллаш тавсия этилган бўлади.

Бундай мулоқотнинг этикет формулалари қаторига хайрихохлик, хурмат қаби турлари киради.

Нутқий этикетнинг ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиловчи масалалари билан шуғулланган тадқиқчилар нутқий мулоқот вазиятининг юқорида тилга олинган ва ижтимоийлигидан келиб чиқадиган барқарор ва ўзгарувчан нутқий вазиятларни фарқлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Нутқий вазиятларни барқарор ўзгарувчан вазиятларида албатта сўзловчи ва сұхбатдош мавжудлиги этикет формалари ва хайрихохлик зарур шартдир ҳам сўзловчилар алоқасини йўлга қўйишида муҳимдир. Этикетларнинг диалог сифатида тавсифланиши кўзга ташланади, зотан этикет биринчи навбатда диалогда қўлланади ва қолаверса этикет мақоми турлича бўлган сұхбатдошлар мулоқотини йўлга қўймоққа хизмат қилиши керак. Ижтимоийлилик нуқтаи назаридан

қарағанда меъерий ва ғайри меъерий нутқий хулқ-атвор турларини таснифлаш мүмкін. Шахслараро меъерий талабларга мос келучи хулқ-атвор этикет меъёрига хилоф деб ман этилса умумжамият меъёрига мос келувчи хулқ-атвор эса этикетта мос келувчи деб қабул қилинади. Жамиятда инсон хулқ-атворини бошқарып туриш усули сифатида этикет нафақат дипломат (протокол) га (мувофик) мулоқотлардагина эмас, балки маърифатли сұхбатдошларнинг ғайри расмий алоқаларида ҳам намоён бўлади. Кишиларнинг норасмий мулоқотида истеъмол этилган этикет формулалари кўпинча ҳурмат-эҳтиром категориясининг ифодаси деб таъбирланади. Гарчанд ушбу категориялар ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгаришларига учраб, улар ҳар холда ўзига хослик ва бетакрорликларини сақлаб қолади. Ҳурмат-эҳтиромнинг одоб кўринишларидан ўзбек ва инглизларнинг мақолларида куйидагича таъкидланади. “Сен” ҳам “Сиз” ҳам бир оғиздан чикади.

“A good word is a soul “ Ort. (яхши сўз жон озиғи). Этикетни ўрганиш антик (Рим, Греция) замонларда бошланган бўлса ҳурмат- эҳтиром тушунчаларини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда тил ҳодисаси деб қарай бошланди. Лингвопрагматика доирасида ва нутқий мулоқотга бевосита алоқадор тамойиллар сифатида ғарб дунёсида кенг ва чуқур ўрганилмоқда. Ҳурмат ва эҳтиром тамойили кўпчилик тадқиқотчиларининг тан олишига барча тилларга хос бўлган ва мулоқотни ортиқча кофлиқтларсиз рўёбга чикариш шарт-шароитларидан деб ҳисобланади. Нутқий хулқ-атвор меъёрлари эса маълумки муайян тилда сўзловчи халқнинг маданий ижтимоий тарихий хусусиятлари билан белгиланади. (Гумболъд. А.А Потебня, Г.В. Колшанский. Фармонивский (аёл)).

Сұхбатдошларининг ўзаро ҳамкорлик тамойили уларни ўзаро ҳурмат-эҳтиром ила муносабатда бўлишини тақозо қилиб туради. Ўз-ўзидан равшанки ҳурмат-эҳтиромнинг барча тамойиллари авваламбор ва енг кўп диалогларда ўз ифодасини топади, бошқача айтганда ҳурмат-эҳтиром ҳамиша сұхбатдошга йўналтирилган бўлади. Ҳурмат-эҳтиромни вербал (лисоний) ифодаланиши сўзловчига адресатга дахлдор муайян маълумот борлигига боғлиқ. Шуни қўшимча қилиш жоизки, сўзловчининг эҳтиром изхор килиши у билан адресат орасидаги ижтимоий муносабатларнинг даражасига ҳам боғлиқдир. Табиатан эҳтиром ассиметрик моҳиятлидир. Яъни адресатга мақбул тушган эҳтиром ифодаси сўзловчига нисбатан номақбул бўлиши мумкин. Ҳурмат-хҳтиром тамойилини ижтимоий меъёрлашган мулоқотларда тадқиқ қилган (Л.А. Азнабоева 2002. 40 б). Сўзловчининг эҳтиром ифодасига жавобан адресат ифода килган ҳурматининг воқеаланишини батафсил ўрганиб чиқиб адресатни ҳам коммуникациянинг субъекти сифатида баҳолайди ва унинг вербал ҳамкорлигини муносабатларининг ошкорлаштириш тамойили тушунчасини киратади. Бу тамойил эса ўз навбатида бир неча қоидалардан иборат. Адресат унга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромга жавобан изхор қиласиган муносабатида билдирилаётган ҳурмат –эҳтиромни

биринчидан: ижобий баҳолаш, иккинчидан салбий муносабатни даражасини сусайтириш, учинчидан ҳамжихатлик қоидасига риоя қилиш, тўртингидан коммуникациядаги шерикни руҳий кўллаб - қувватлаш. Бешинчидан камтарлик қоидаси, олтинчидан хиссий муносабатни ошкор ифодалаш.

Этиket замонавий дунё ҳамжамиятида расмий ва дипломатик доиралардагина тарқалиб колмай балки, норасмий муносабатларнинг каттагина қисмини қамраб олиб бормоқда. Этиket ибора ва хатти-ҳаракатларининг коммуниқантлар шахсий ҳаёт жавҳаларига кириб бориши, бу коммуникацияда иштирок қилаётган ҳурмат ифодалашга хизмат қиласи ва бу хатти-ҳаракатларни мулоқотниг ҳурмат-эҳтиромга молик шакллари билан яқинлаштиради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Аршинова О.С. Речевой акт комплимента в учебниках и учебных пособиях И Сб. статей: Русский язык как иностранный: Теория. Исследования. Практика / Под ред. Лысаковой И.П. Выпуск VIII.-СПб. Сударыня,2006.С.275-279.-0.3пл.
3. Егорова А.С. Этиket деловых отношений. М., 2010.
3. Егорова А.С. Этиket деловых отношений. М., 2010.
3. Егорова А.С. Этиket деловых отношений. М., 2010.
3. 4. Формановская Н.И. Этиket делового письма. — М., 1988.
4. 5. Collins J. Lady Boss. New York: Pocket Books, 1990. - 630 p. (CLB).
5. Conroy P. The Prince of Tides. Toronto, etc.: Bantam Books, 1988. - 664 p. (PT).